

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar
fanlarning dolzARB
muammolari**

Son 2. Jild 4.

2024

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 2(4) - 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2024

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматовиҷ – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўқтамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Сайдалохонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Кулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Файбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Сайдова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, "Tashkent International University of Education" халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулув Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тибиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехruz Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдулаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Файбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши хузуридаги Судъялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич - юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна - педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Қаюмова Насиба Ашурновна - педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохида Зайневна - педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Мұхәйё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна - педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Хайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна - психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Карамаддиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;
Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;
Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” маъсулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

Файзуллаева Мавлюда Хамзаевна
 ЎЗБЕК ВА ТОЖИК АНЪНАВИЙ ТАОМЛАРИДА ЭТНОМАДАНИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ АКС
 ЭТИШИ (СУРХОН ВОҲАСИ МИСОЛИДА) 10-15

Umarov Sardor Yakubovich
 QAYTA BIRLASHGAN GERMANIYADA MEHNAT BOZORINI ISLOH QILISH, AHOLI BANDLIGI,
 DEMOGRAFIK O'ZGARISHLAR 16-20

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Shadiyeva Gulnora Mardiyevna
 O'ZBEKİSTONDA EKSPORTNING OSHISHINING IQTISODIY O'SISHGA TA'SIR ETISH
 YO'LLARI 21-29

Халилдинов Азизбек Абдуқаҳхоровиҷ
 КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
 БОШҚАРИШГА ОИД НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР 30-34

Мавлянов Мажид, Урдушев Ҳамракуլ
 КЛАСТЕР ЁНДАШУВИ: ЧОРВАЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ 35-45

Асроров Азизбек Исомиддин угли
 ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ПРИРОДА РИСКОВ, ВОЗНИКАЮЩИХ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ
 КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ 46-52

Xaydarova Durdona Shuxratjon qizi, Achilboyeva Sevinch O'tkir qizi
 MAHALLIY BUDJET DAROMADLARI HISOBI TASHKIL ETISHNING NAZARIY JIHATLARI. 53-60

Камалов Ақмал Сайдакбаровиҷ
 ХАЛҚАРО ТРАНСПОРТ ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ЭҲТИМОЛЛИГИНИНГ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАҲСИРИНИ БАҲОЛАШ
 УСЛУБИЯТИ ИШЛАБ ЧИҚИШ 61-68

Namazov Gafur Shokulovich
 IQTISODIYOTDA GIBRID MODELLARNI QO'LLASH 69-75

09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

Rasulov Azizkhon Mukhammadqodirovich
 YANGI O'ZBEKİSTONDA OMMAVIY AXBOROT VOSITALARINING TIZIMLI O'ZGARISHI 76-81

Kadirova Ziyoda Rahimjanovna
 ISLOM FALSAFASIDA ILM TUSHUNCHASINING MOHIYATI 82-86

Turdiyev Bexruz Sobirovich
 JAMIYAT IDEOSFERASINING IJTIMOIY-FALSAFIY TAHLILI 87-92

Alimatova Nargis Abdusalilovna
 KONSTITUTSIYADA HALOL RAQOBAT KAFOLATI 93-98

Abdullahayev Ibodulla Abdullayevich, Mustafoyeva Feruza Xurshid qizi
 MA'NAVIYAT – YANGI O'ZBEKİSTON TARAQQIYOTINING MUHIM POYDEVORIDIR..... 99-103

| | |
|--|---------|
| <i>Кувандиков Шокир Облоқулович</i> | |
| МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ МИЛЛИЙ-МАҶНАВИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙИ ФАЛСАФИЙ МАНБАЛАРИ | 104-111 |
| <i>Yusupaliyev Orzimurod Odilovich</i> | |
| YOSHLAR MAFKURAVIY ONGI TRANSFORMATSIYALASHUVINING BUGUNGI KUNDAGI AHAMIYATI: MUAMMO VA YECHIMLAR | 112-119 |
| <i>Eshonqulov Laziz Norqobul o'g'li</i> | |
| BADIY MUHITDA TANQIDIYLIK VA SATIRANING TABIIY KOMMUNIKATSIYASI | 120-125 |
| 10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ | |
| <i>Saitova Nilufar Djumaydillayevna</i> | |
| YOSH O'ZBEK SHOIRLARI: VOQELIKNI IDROK ETISH VA UNI BADIY IFODALASH TENDENSIYALARI | 126-130 |
| <i>Nurmanov Furqat Xayitqulovich</i> | |
| O'G'UZ" ETNONIMI VA O'G'UZLAR | 131-137 |
| <i>Qudratova Sitora Olimovna</i> | |
| AQSH HIKOYACHILIGI TARIXI VA SPETSIFIKASINING BADIY IFODASI HAMDA JANR IJODKORLARI..... | 138-148 |
| <i>Fayziyeva Aziza Anvarovna, Safarova Nigora Axatovna</i> | |
| METAFORALARNING O'ZBEKCHA TARJIMASIGA KOGNITIV YONDASHUV | 149-153 |
| <i>Qodirova Madinabonus Murodjon qizi</i> | |
| LINGVISTIK TA'MINOT VOSITALARI: TUZILISHI VA TARKIBI | 154-159 |
| <i>Аллабердиева Регина, Мадалов Навруз</i> | |
| ТАКСОНОМИЯ ГЕНДЕРНО-МАРКИРОВАННЫХ ПАРЕМИЙ - РЕГУЛЯТИВОВ АНГЛИЙСКОГО И РУССКОГО ЯЗЫКОВ | 160-165 |
| <i>Azimova Aziza Alisher qizi</i> | |
| INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA KONCHILIK LEKSIK BIRLIKALARINING LEKSIK-SEMANTIK XUSUSUYATLARI | 166-172 |
| <i>Shoymardonov Ilhom Alixonovich</i> | |
| BAHOR, YOZ, KUZ MAVSUMLARI BILAN BOG'LIQ BOLALAR QO'SHIQLARI | 173-178 |
| <i>Raxmatova Dilafruz Nusratilloyevna</i> | |
| SAMARQAND JADIDCHILIK MAKTABI VAKILLARI ASARLARINING TIL XUSUSIYATI.... | 179-184 |
| <i>Mirzayev Jasur, Madalov Navruz</i> | |
| THE DIALOGIC NATURE OF PERSONIFICATION IN THE POETICS OF WILLIAM BLAKE | 185-190 |
| <i>Yuan Xiaowei</i> | |
| ON THE TITLE AND LEXICAL FEATURES OF THE WINTER OLYMPICS NEWS REPORT IN CHINA DAILY | 191-197 |
| 12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР | |
| <i>Ражабов Нариман Шарифбаевич</i> | |
| НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ДОБРОВОЛЬНОЙ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ СЕРТИФИКАЦИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН | 198-206 |
| <i>Yakubova Iroda Bahramovna</i> | |
| MULKIY HUQUQLARNI JAMOAVIY ASOSDA BOSHQARUVCHI TASHKILOTLAR VA MUALLIFLIK | |

HUQUQI OBYEKTALARIDAN FOYDALANUVCHI SHAXSLAR O'RTASIDAGI SHARTNOMALAR TASNIFI..... 207-212

Inoyatov Behruzjon Umidjon o'g'li

TOVAR BELGILARINING HUQUQIY JIHATDAN MUHOFAZA QILISHNI TARTIBGA SOLUVCHI QONUNCHILIKNI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI 213-220

Раимова Шохсанам Ғайратжоновна

РЕЦИДИВ ЖИНОЯТЛАР ВА УЛАННИГ ҲУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ 221-227

Mukumov Bobur

CURRENT ISSUES OF IMPROVING THE PROTECTION OF INTELLECTUAL PROPERTY AT THE INTERNATIONAL LEVEL..... 228-234

Нодирахон Абдурахманова

ВЛИЯНИЕ ТЕХНОЛОГИИ БЛОКЧЕЙН, СМАРТ-КОНТРАКТОВ И КРИПТОВАЛЮТ НА РАЗВИТИЕ ПРАВА..... 235-239

Акмалхонов Боситхон Азизхон ўғли

ЗАЩИТА ПРАВА ЧАСТНОЙ СОБСТВЕННОСТИ В ПРАКТИКЕ ЕВРОПЕЙСКОГО СУДА ПО ПРАВАМ ЧЕЛОВЕКА..... 240-246

Turakulova Nazira

MUALLIFLIK HUQUQIDA MULKIY HUQUQLARNI JAMOVIY BOSHQARISH 247-260

Якубов Бекзод Эркинбаевич

КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ҲОЛЛАРДА ТЕЗКОР – ҚИДИРУВ ТАДБИРЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ..... 261-265

13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

Mamajonov Xoshimjon Abdumalikovich

FIZIKA FANINI IJODIY O'ZLASHTIRISH YO'LLARI (AKADEMIK LITSEYLAR MISOLIDA) 266-271

Tkacheva Anastasiya Aleksandrovna

O'ZBEKİSTON OLİY O'QUV YURTЛАRIDA İSPAN TİLİ BO'YICHA İJTİMOİY-MADANIY KOMPETENTLİKNI O'QITISH STRATEGİYASINI ISHLAB CHIQISH 272-281

Haqberdiyev Baxtiyor Rustamovich

TASVIRIY SAN'AT VA MUHANDISLIK GRAFIKASI FANLARINI BOSHQA FANLAR BILAN INTEGRATSIYASI..... 282-287

Jumayev Xushboq Soatmumin o'g'li

KICHIK MAKTAB YOSHIDAGI O'QUVCHILAR XOTIRASINI RIVOJLANTIRISHNING NAZARIY ASOSLARI 288-291

Omonqulov Ulug'bek Maxsiddin o'g'li

IQTIDORLI O'QUVCHILAR BILAN ISHLASH METODIKASI..... 292-296

Jumaboev Nabi Pardaboevich

THE NEED TO USE AESTHETIC VIEWS OF EASTERN THINKERS IN THE EDUCATIONAL SYSTEM 297-304

Kayumov Erkin Kazakbayevich

TASVIRIY SAN'ATNING O'QUVCHILAR IDROKI VA IJODKORLIGINI SHAKLLANTIRISHDAGI ROLI 305-310

| | |
|--|---------|
| <i>Yusupova Feruza Hajiboyevna, Gaipova Nilufar Jasurbekovna</i> MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARNG EKOLOGIK TA'LIM BERISHDA GRAFIK ORGANAYZERLARNING ROLI | 311-317 |
| <i>Karshiboyeva Dilafruz Boxodirovna</i> SOMONIYLAR DAVRI SAN'ATI VA UNING JAHON TARIXIDAGI ROLI..... | 318-322 |

Кувандиков Шокир Облокулович
Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат
университети тадқиқотчиси

МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ МИЛЛИЙ-МАҲНАВИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ ФАЛСАФИЙ МАНБАЛАРИ

Аннотация. Мақолада Маҳмудхўжа Беҳбудий миллий-маҳнавий қарашларининг ижтимоий-фалсафий манбаларида ифодаланиши ва бугунги кундаги аҳамияти ҳақидаги маълумотлар баён этилган.

Калит сўзлар: миллий қарашлар, маҳнавият, ижтимоий-фалсафий манбалар, ривожланиш.

Kuvandikov Shakir Oblokulovich
Researcher of Samarkand State University named
after Sharof Rashidov

NATIONAL-SPIRITUAL CONSIDERATIONS OF MAHMUDKHOJA BEHBUDI

Abstract. The article describes the expression of Mahmudhoja Behbudi's national-spiritual views in socio-philosophical sources and their significance today.

Key words: national views, spirituality, socio-philosophical resources, development.

Кувандиков Шакир Облокулович
научный сотрудник Самаркандского государственного
университета имени Шарофа Рашидова

МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ МИЛЛИЙ-МАҲНАВИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ ФАЛСАФИЙ МАНБАЛАРИ

Аннотация. В статье описывается выражение национально-духовных взглядов Махмудходжи Бехбуди в социально-философских источниках и их значение в наши дни.

Ключевые слова: национальные взгляды, духовность, социально-философские ресурсы, развитие.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I2Y2024N15>

XXI аср ўзбек халқларининг ҳаётида моҳияти ва мазмuni жиҳатидан жамият тамаддунининг янги босқичига қўтарилиш даври бўлади. Бу давр аждодларидан авлодларига ўтиб келаётган маҳнавий қадриятларнинг тикланиши натижасида мазмuni янада кенгайиб шаклан ўзгаришига олиб келади. Бундаги мазмун ва шакл ҳар бир кишининг ўзини ўзишунингдек ўзлигини чуқурроқ билишига асосланган ҳолда ўзгариб, теран аҳамият касб эта бошлайди. Теранлик эса тарихий зарурият ечимларини топишда аждодлар томонидан қолдирилган тарихий маҳнавий мероснинг салоҳияти туфайли ўзгача аҳамият касб этади.

Ҳар бир тарихий шахс жамият ҳаётида вужудга келган тарихий вазият келтириб чиқарган зарурият туфайли тарих саҳнасига келади. Хўш, шундай экан тарихий вазият нима, деган савол туғилади? Тарихий вазият – бу ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-маданий шароитларнинг, халқаро вазиятнинг умумийлиги ва ўзаро боғлиқлиги натижасида у ёки бу тарихий воқеаларнинг содир бўлиши, шаклланиб ривожланиб боришига айтилади. Бу ҳодиса ўз навбатида нафақат муайян тарихий вазиятга киритилади, балки ўз айни вақтда бу вазиятни сезиларли даражада ўзгартириши ҳам мумкин. СССРнинг пайдо бўлиши, ривожланиши, бироқ, унинг раҳбарияти томонидан олиб борилган “улуг оғачилик” сиёсати, шундай бир тарихий вазиятни келтириб чиқардики, натижада у парчаланиб кетди. Унинг ўрнида пайдо бўлган мустақил давлатлар эндиликда бошқачароқ бўлган тарихий вазиятни бошдан кечирмоқдалар. Бу вазиятни ўзликни англашга қаратилган миллий-маънавий, маърифатпарварлик ғояларидан ташқарида тавсифлаб бўлмайди. Шу маънода М.Беҳбудийнинг миллий-маънавий, маърифатпарварлик ҳақидаги қарашларининг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланишини ўзи туғилиб, ривожланган ички ва ташқи тарихий вазиятни ҳар томонлама таҳлил қиласдан туриб баҳо бериб бўлмайди.

Ҳар бир мамлакатда бир даврдаги тарихий вазият ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, у турли мамлакатларда вужудга келган тарихий ҳодиса ва миллий-маънавий эътиқод ва қарашларнинг ўзига хослиги туфайли бир хил эмас. Аммо тарихий вазиятларнинг – хиллиги ва ўзига хослигига қарамасдан, уларга хос бўлган умумий ўхшашликлар ва такрорланишлар борлигини, уларнинг диалектик ёки синергетик тарзда кечиши мумкинлигини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Тарихий вазият қонунлари маълум тарихий шароитларда оқибатнинг эмас, балки унинг имкониятини белгилайди. “Ҳар бир тарихий вазиятда муқобиллик ҳолатлари мавжуд: воқеалар тарихий вазиятларнинг типологик биноларига киритилмаган турли хил ҳолатларга қараб, бошқача йўл тутиши мумкин” [1].

Бу эса тарих факт субъектлари одамлар фаолияти учун кенг имкониятлар очади. Шу тариқа тарихий жараённинг бориши, жамият тараққиёти тарихий вазиятда ифодаланади ва унга боғлиқ бўлади, лекин тарихий вазиятнинг ўзи тарихий жараённинг турли элементларининг -конкрет натижаси ва ифодасидир бўлиб қолаверади. Демак, фаолият олиб бораётган шахс муайян вазиятга дуч келади. Унинг хатти-ҳаракатлари бу вазият томонидан таклиф қилинган муаммога жавобдир берадиган реакцияси ҳисобланади. У бу вазиятнинг ўзи учун бўлиши мумкин бўлган оқибатларини баҳолайди, яъни ўзи учун нимани англатишини аниқлашга ҳаракат қиласди. Кейин у танловни амалга оширади ва кўзланган мақсадга эришиш учун ҳаракат қиласди.

Ҳар қандай шахснинг дунёқараси маълум тарихий вазият маҳсули бўлган бирон бир ижтимоий-ғоявий манбалар асосида шаклланиб боради. Ижтимоий ғоялар деб кўпинча одамларнинг кундалик ҳаётида юз бераётган жараёнларни моддий ва маънавий жиҳатдан такомиллаштириш, ислоҳ қилиш орқали янгича бир йўналишга буриб юборишга қаратилган фикрлар мажмуига айтилади. Уларнинг озиқланадиган манбаа илдизлари бўлади. Хўш, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг миллий-маънавий қарашлари қандай манбаа-илдизлардан озиқланар эди, деган савол туғилади. Маҳмудхўжа Беҳбудий ижтимоий-фалсафий қарашларининг илдизи мозийга (узоқ

ўтмишга – Қ.Ш.) бориб тақалади, умуминсоний, исломий ва миллий қадриятларнинг сўнмас чашмасидан сув ичади. Фақат маърифатпарварлик масаласининг ўзини олиб қараганимизда ҳам бунга тўла-тўкис ишонч ҳосил қиласиз. Зоро, адабиётшунос Ш. Ризаев ёзганидек, “Маърифат орқали инсоннинг ҳар жиҳатдан комил бўлиб етишишини таъминлаш масаласи “Авесто”, Урхун-Энасой битикларидан “Кутадғу билиг”, “Қиббатул — хақойиқ” ва Яссавий “Ҳикматлар”игача узоқ такомил йўлини босиб ўтди. Бунда, таъбир жоиз бўлса, миллий-маънавий қаравшларида мужассам бўлган маърифатпарварлик ғояси соф маънавий-руҳий жараён сифатида ислом дини ақидалари билан бирлашиб, инсонни нафс қўллигидан чиқариб, маънавий-руҳий юксакликка унлади. Бу ғоя ўса бориб, Ўрта аср Ренессансининг юксак инсонпарварлик ақидалари таркибиға сингиб кетди. У диний, фалсафий ва бадиий жиҳатдан идрок этилиб, ривож топди...» [2].

Аммо, тадқиқотчиларнинг тўғри тасдиқлашларича, Шарқ ва Россия тасарруфидаги мусулмон ўлкаларда, хусусан Туркистанда “Маърифатпарварлик ғоясининг миқёсли амалий тус олиш жараёни то XIX аср иккинчи яримларига қадар бўй кўрсатмади. XVI асрдан то XIX асрнинг иккинчи ярмигача кечган тарихий давр ижтимоий-сиёсий воқеликдаги нотекислик, ички низолар авж олган давр эди, бундай шароитда ғоянинг янада тараққий топиб, муайян амалийлик касб этиши тарихан мумкин эмасди. Қолаверса, шу давр учун ҳам маърифатпарварлик ғоясининг етук назарий ифодаси Навоий қаравшлари мисолида тугал бир намуна бўлиб сақланиб қолаётган эди. Воқеликнинг ижтимоий-сиёсий тартиботларида, мафкуравий қаравшларда катта ўзгариш рўй бермаган эди». [3].

Маҳмудхожа Беҳбудий вужудга келган бундай тарихий вазият туфайли мусулмонларнинг сўнгги беш юз йил давомида илм-фан ривожига айтарлик ҳисса қўша олмаганидан қаттиқ афсусланган ва ёзган эди: «Тўрт-беш сана (аср маъносида-Қ.Ш.) илгариғача мусулмон оламида мукаммал дорилфунунлар, ҳикматхона ва расадхоналар бор эди ва барча ислом оламинда илми ҳикмат ўқимоқ расм эди. Ҳатто ер юзиндаги бугунги фарангларнинг аждоди мусулмон дорилфунунига(да) илми ҳикмат ўқирди. Қачондаги (қачонки маъносида-Қ.Ш.) мусулмонлар дорилфунундан ва илми ҳикматдан совидилар, кундан-кун таназзул ва кейин кетмоқға юз қилуб, бу кунги ҳолати паришонга етишдилар». [4].

“Мусулмонлар орасида, — деб ёзади Ҳ.Вамбери, — Ғарб маданиятига интилиш борасида бошқаларга қараганда анча илгарила бетган, оврупоча билимлар ва оврупоча фикрлаш тарзини ҳаммадан яхшироқ ўзлаштириб олган, ўз ватандош ва диндошлари ўртасида янгича қаравшларнинг ёйилишига катта ёрдам берган учта халқ, айниқса, ажralиб туради. Бу жиҳатдан биз маънавий уйғониши ўн тўққизинчи асрнинг эллигинчи йилларида бошланган усмонли туркларни сира иккиланмай биринчи галда тилга олмоғимиз керак. Тилни соддалаштириш бобида улар эришган ютуклар ва адабиёт соҳасида улар амалга оширган ўзгаришлар, усмонлиларнинг ўтмишда яратган адабиёт намуналари билан танишиш ҳар қандай одамни лол қолдирмай қўймайди... Нафақат коллежларда, балки рушдия ва ибодия мактабларида ҳам ўқитиладиган дарслар қаторига тарих, жуғрофия, физика ва кимё каби фанлар киритилган, француз, немис ва инглиз тилларини билиш эса таълимнинг зарур шарти ҳисобланади”. [5].

Х. Вамбери усмонли турклардан кейин маърифатга интилиш борасида Ост-Хиндистон мусулмонлари фаолиятининг эътиборни тортишини таъкидларкан, донгдор ва замонавий таълим қўрган одамлар XIX асрнинг иккинчи ярмида лоқайдлик билан ҳеч нарсага эришиб бўлмаслигини, умрини ўтаб бўлган маданиятнинг шон-шуҳрати билан мақтанавермасдан, Ғарб ғоялари дунёсига яқинроқ бормоқлари зарур эканлигини англаб етганлигини алоҳида ажратиб кўрсатади. “Уларнинг сони муттасил ортиб бормоқда, — дейди муаллиф, — чунки инглиз-ҳинди ҳукумати уларни ўрта мактабларда ва дорилфунунларда қўллаб-қувватламоқда. Уларнинг ўzlари ҳам Алигархда мусулмон университетига асос солди. Унда Қуръон тафсирлари ва шариат қонунлари билан бирга замонавий илмлар ҳам ўқитилади». [6].

Ислом дунёсида ўз ватандошлари ва диндошлари орасида маърифат тарқатишга ғайрат-шижоат билан киришган учинч гуруҳни Х. Вамбери исломга эътиқод қўйган рус фуқаролари, яъни Волгабўй татарлари, бошқирдлар, қирғизлар, сартлар (?!), Кавказ татарлари ва Қrim татарларидан иборат деб таърифлайди. “Бу шундай гуруҳки, унинг маданиятга интилиши ва рағбат билдириши унча-мунча одамнинг хаёлига келмаган эди. Лекин сира кутилмаганда ислоҳотлар ва уларни амалга ошириш бобида шундай зўр шижоат, ғайрат ва уддабуронлик кўрсатилдики, бунақасини уларнинг аллақачонлар тараққиёт йўлига қадам қўйган қабиладошлари ва диндошлари ҳам намоён этмаган эди”. [6].

Пировардида бундай дадил ҳаракатлар Туркистон тараққийпарварларини Европадаги илғор зиёлилари билан яқинлаштириди. Д.Алимова ёзганидек, “Жадидлар уларнинг сиёсий-маърифий қарашлари билан танишиб, Туркистоннинг Ғарбий Оврупо билан бўлган тарихий алоқалари тўғрисида хulosса чиқарди, ўша замондаги муаммоларни ҳал этишда мутараққий давлатлар тажрибасидан фойдаланиш имконига эга бўлди. Шу билан бирга, улар Шарқнинг Оврупо юксалишидаги ўрнини ҳам очиб берди. Масалан, жадидларнинг Афлотун ва Арасту мероси айнан ислом маданияти туфайли сақлаб қолинган, деган хulosасини Ғарб олимлари тан олди. Жадидлар ўzlари бу файласуфларнинг муҳлиси бўлибина қолмай, улар асос соглан таълимотларнинг тарғиботчилари ҳам эди. Дарҳақиқат, Маҳмудхўжа Беҳбудий Огюст Контга, Абдурауф Фитрат Ш. Сенёбоск, Абдулла Авлоний эса Афлотун, Суқрот ва Арасту асарларига ниҳоятда қизиққан, уларнинг таълим ва тарбия ҳақидаги қарашларига жуда катта эътибор берган”.

XIX асрнинг иккинчи ярмига қадар “ҳолати паришон”да яшаган мусулмонлар ҳаёти бу вақт ўзгача шарт-шароитларда кечарди. Марказий Осиё ва Қозоғистон халқлари ҳаётида Россия ҳукмронлигининг ўрнатилиши, ижтимоий-сиёсий воқеликдаги ўзгаришлар натижасида янгича муносабатлар вужудга келганлиги сабабли маърифатпарварлик ғояси ҳам муайян ўзгаришларга жалб этилди, шу давр талабларига мувофиқ келувчи фалсафий- назарий қарашлар тизимини яратиш тақозо қилинди. Бундай ижтимоий- сиёсий, маданий-эстетик қарашларни шакллантиришда татарлардан Абдулла Тўқай (1886-1913), Қаюм Носирий (1824-1902), озарбайжонлардан Мирза Фатали Охундов (1812-1878), Мирза Алиакбар Тоирзода (1862-1911), қозоклардан Абай Қўнанбоев (1845-1904), Чўқон Валихонов (1835-1886), Ибрай Олтинсарин (1841-1889), тожиклардан Аҳмад Доңиш (1827-1897), қорақалпоқлардан Бердақ (1827-1900) каби тараққийпарвар зотлар беқиёс куч- ғайрат

сарфладилар. “Уларнинг қўпчилиги адабий ҳаётда ҳам қалам тебратиб, прогрессив-демократик адабиётнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўш- дилар. Прогрессив-демократик адабиётнинг моҳиятини ва ғоявий асосини халқчиллик, ватанпарварлик, маърифатпарварлик ғоялари ташкил қиласди”. [7].

Хўш, улардан бироз кейин тарих саҳнасига чиққан жадидлар, чунончи Маҳмудхожа Беҳбудий маърифатпарварлиги ва маърифатчилигининг мазмун-моҳияти, ғоявий асослари нималардан иборат эди? Мантиқан олиб қараганда Маҳмудхўжа Беҳбудий маърифатчилигининг фалсафий-назарий заминлари анъанавий ислом, шариат, тасаввуфдан тортиб замонавий Европа позитивист фалсафа усуllibарига ҳам асосланишдан иборат эди. [8]. Демак, М.Беҳбудий миллий-маънавий қарашлари ва маърифатчилигининг моҳиятан ўзгариши, аввало, рус сиёсий, маданий тартиботларининг моҳиятини тўла англаб этиб, маърифатпарварлик ғоясининг Туркияга, татар ва озарбайжон фикрий дунёсига, улар орқали эса Фарбий Оврупо маърифатчилигига эришиш, ундан ибрат олишга интилиш билан белгиланади. Бунда энг муҳими, М.Беҳбудий маърифатчиликнинг моҳият замирига миллий озодлик ғояси ҳам қўшилди. Профессор Д. Алимованинг фикрича: «... жадидчилик ҳаракати Туркистондаги янги маънавий-ижтимоий юксалишнинг тимсолига айланди. Бу жараённи Оврупадаги XVIII аср маърифатчилиги билан қиёслаш мумкин. Ўша даврда Монтеске, Руссо, Дидро, Вольтер сингари даҳолар этишиб чиққан, уларнинг ғоялари буюк француз инқилобини ҳозирлаган” [6].

Шундай қилиб, М.Беҳбудийнинг фалсафий-назарий қарашларида иккита муҳим хусусият кўзга ташланади: биринчиси, мустаҳкам тарихий-ирсий илдиз; иккинчиси, Шарқ ва Фарб маърифатчилари, файласуфларининг назарий меросини эгаллашга интилиш. Бундан кўзланган мақсад мамлакатни тараққиёт йўлига олиб чиқиш учун Фарб ва Шарқ маданиятларини уйғулаштириш орқали “янги маънавий-маърифий маконни” шакллантириш, шу асосда халқни маърифатли қилишдан иборат бўлган. Шундай қилиб, М.Беҳбудийлар етакчилик қилган “Жадидизм — бу маърифатпарварлик ҳаракати бўлиб, у ўзининг қатор хусусиятлари билан рус ва француз маърифатпарварлик ҳаракатини эслатади. Гарчанд жадидизм, масалан, француз маърифатпарварлигидан бир неча аср кейин юз берган ҳодиса бўлса-да, у ўз моҳияти билан инқилобга қадар бўлган Ўзбекистоннинг маданий ва маърифий ҳаётида, француз маърифатпарварлиги сингари, ижобий роль ўйнади». [9]. “Жаҳон тарихи тажрибасидан яна шу нарса маълумки, — деб ёзади Ш.Ризаев, — маърифатчиликнинг энг бирламчи асоси феодал қолоклик ва диний мутаассибликни инкор этиб, жамиятда эркин,adolatli, маданий муносабатларни шакллантиришдан иборатдир. Бу йўлдаги энг асосий вазифа — жамият аъзолари онгини қайта қуриш, тушунча ва тасаввурларини ўзгар-тириш. Буни амалга оширишнинг асосий шарти эса илм-фан, турли дунёвий билимлар тарқатишdir”. [10]. “Аммо шуни ҳам назарда тутиш лозимки, — дейди рус олими Р.Г.Эймонтова, — маърифатчилар тушунчасида маърифат — билимларни тарқатишдангина иборат эмас, айни чоғда “бидъят”ларни бар-тараф этиш, “соғлом тушунчалар”ни, яъни моҳиятни ифодаловчи ғояларни тарғиб қилиш ҳамdir”. [11].

Туркистон жадидлари ва улар йўлбошчиси Маҳмудхожа Беҳбудийнинг миллий-маънавий қарашлари заминига қурилган маърифатчилиги бу талабларнинг барчасига жавоб беришга қодир эди. Чунки, юқорида айтилганидек, жадидларнинг

маърифатпарварлик ғояси инсониятнинг кўп асрлик тарихий тажрибасига таянган ва, айни пайтда XIX аср иккинчи ярми ҳамда XX аср бошидаги ижтимоий-маданий муҳитнинг янги эҳтиёжларини ўзида мужассам этганди. Шу жиҳатдан Г. Маҳмудова “Беҳбудийнинг инсон аъмоли (идеали) ва мақсади ҳақидаги қарашларида унинг ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий-эстетик принциплари ўз аксини топди, маърифатпарварлик ғоялари, миллий онг ва миллий ҳаётни янгилаш (таъкид бизники) муаммолари ҳақидаги тушунчалари ифодаланди”, [12] деганида ҳақдир.

Жадидчиликни фақат маърифатчиликдан иборат феномен, маърифатчиликнинг ўзини тор луғавий маъносида тушунишни тўғри эмас. Шунингдек, жадидчилик ҳаракати ва маърифатпарварликни сунъий равишда бир-биридан ажратиб, умуман ҳаракатни “реакцион”, маърифатпарварликни эса “прогрессив” дегувчиларга ҳам қўшила олмаймиз. Зотан, зукко олимлардан Х.Мирзазода ҳаққоний уқтирганидек, “жадидчилик” ижтимоий-фалсафий ва адабий-маданий жараённинг тарихий номи бўлиб, маърифатпарварлик унинг моҳияти ва мазмунидан иборатдир”. [13]. Инсониятнинг бир жамиятдан иккинчи жамиятга, бир тарихий даврдан иккинчи бир тарихий даврга ўтиши маърифатпарварликдан бошланади. Замоннинг энг етуқ, онгли, оқ-қорани таниган, фидойи, элим деб, юртим деб яшовчи, узоқни кўзловчи маънавиятли сиймолари маърифатпарварлик билан шуғулланадилар. Маърифатпарварлар одатда давр учун, жамиятнинг бугуни ва келажаги учун ўта муҳим бўлган ғояларни кўтариб чиқадилар ва шу ғояларни амалга ошириш учун изчил кураш олиб борадилар.

Маҳмудхожа Беҳбудий вужудга келган тарихий вазият туфайли XX асрнинг ана шундай вазифасини ўз зиммасига олди. Аксари тадқиқотчилар бу инсонни Туркистондаги маънавий-маърифий, таълим-тарбиявий ишларни ривожлантиришда ҳам назарий, ҳам амалий томондан жонбозлик кўрсатди, деб уқтирадилар. Чунончи, таниқли шарқшунос Л.Азиззодага мурожаат қиласиган бўлсак, бу ҳақда қуйидагиларни ўқишимиз мумкин: “Туркистоннинг уйғониш даврини уч қисмга — маориф, матбуот ва жамиятга бўлиб текшира бошласак, бу ҳаракатларнинг бошида Беҳбудий турганини кўрамиз». [14]. Ёки тадқиқотчи А.Аминов тили билан айтганда, М.Беҳбудийнинг ўлкамиз тарихидаги энг катта хизмати жадидчилик ҳаракатининг дастурий аҳамиятга молик назарий ва амалий йўналишини асослаш ҳамда уни амалга ошириш учун бошлилик қилишдан иборат бўлди”. Лекин илмий адабиётимизда ҳалигача ўша назарий жабҳа нималиги хусусида етарли маълумотга дуч келмаймиз. Бизнингча, назарий жабҳа деганда Беҳбудийнинг маърифат, илм-фан ва маорифнинг жамият ҳаётидаги, халқ ва миллат тақдиридаги, тараққиётидаги ўрни ҳамда аҳамиятини ҳар томонлама ёритиб берганлигини тушунмоқ лозим. Беҳбудийнинг бу масалага доир қарашлари барча асарларига сочилиб кетган, тўғрироғи, уларнинг деярлик ҳаммасида маърифатпарварликнинг назарий жиҳатлари у ёки бу даражада қараб чиқилади. Ҳ. Саидов ўринли ифодалаганидек, “Беҳбудий барча фикрларининг таначаларини, қонини маърифат билан тўлдирди”. Худди шу ўринда Д.Алимова жадидларнинг назарий қарашларидаги ижтимоий-ғоявий асосларининг икки муҳим хусусиятнинг бири “мустаҳкам ирсий илдиз”, деганида ҳеч янглишмаганлигини уқтирумок керак. Чунки, Беҳбудий “маърифатлар ваъз айтиб” калимасида фақат исломий таълимотдан ўчмас сабоқ бериб ўтганларни эмас, Туркистоннинг “ақдий ва фаний илмларға китоб тасниф қилган мусулмон уламо ва хукамолари”нинг меросини ҳам назарда тутади. Бу масалада

биз суянаётган манба — “Мунтаҳаби жуғрофияи умумий” дарслигининг “Туркистон донишмандлари” бўлимида қадим юртимизнинг табиий ва ижтимоий фанлари пешволаридан жами 80 дан ошиғининг исми-шарифи, асарлари сони ва илмий йўналишларига доир маълумотларга дуч келамиз. Рўйхатнинг бошида Ибн Сино туради ва унинг луғат, мантиқ, жуғрофия, мусиқа, ахлоқ, кимё, аҳкоми нужум, табиат, ҳикмат, тиб, расад, илми тавҳид сингариларга оид юздан зиёд китобининг аксариси Оврупо тилларига таржима бўлганлиги таъкидланади. Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Ҳоразмий (Беруний-Қ.Ш.), Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Ҷағминий, Мирзо Улуғбек Кўрагоний, Али Қушчи Самарқандий, Ҳофизи Абру, Абдураззоқ Самарқандий каби донишмандларнинг дунё илм-фани равнақидаги хизматлари ҳам шу тарзда ихчам шархланиб, булардан бошқа бир неча туркистоний ҳукамоларнинг акдий илмларга доир асарлари тарих саҳифаларидан ўрин олганлиги таъкидланади ҳамда хулоса қилинади: “Агарда ақлий ва нақлий илмларга китоб тасниф қилган Туркистон уламоларини ҳаммасини аҳволи ва таснифотини ёзмоқ лозим бўлса, ушбу китобимиздан ҳам каттароқ бир китоб тайёрламоқ керак бўладур”.

Айтиш мумкинки, Шарқда шаклланган бой маънивият ва маърифат инсоният тарихининг турли даврларида, турли миңтақаларда кескин бурилишларга сабаб бўлган тараққиётга пойдевор яратган. Азалдан бу заминда тарихий вазият қандай бўлишидан қатъий назар нодонлик ва хурофтот қораланганд, маърифат ва тафаккурга кенг йўл очиб берилган.

Тарихий вазиятларнинг қалтис нуқталарида жамиятни тараққиёт сари интилишига камарбаста бўлмасдан, тўсқинлик қиласидан ҳар қандай фикр ва ўй талаб этмайдиган меҳнатга маҳкумлик нодонликнинг ибтидоси, инсонийликнинг интиҳосидир. Чунки, ҳаёт мўъжизаси, қадрияти, олам ва одамлар ўртасидаги муносабатлар, ўтмиш ва истиқбол олдидағи масъулият деган тушунчалар бундай табиатдаги одам учун бегонадир.

Жамият ҳаётида юз берадиган ҳар қандай кескинлашган вазиятнинг ечимини сиёсий-хуқуқий муносабатлар доирасида ҳал этиш масаласи тарихан синалган усуллардан биридир.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Теория и методология исторической науки. Терминологический словарь. Отв. ред. А.О. Чубарьян. М.-, 2014, с. 176-177. Ясперс К. Духовная ситуация // Смысл и назначение истории. М., 1994. С. 288-418.
2. Ризо Ш. Маърифатпарварликдан маърифатчиликкача. // «Тафаккур», 1995, 1-сон, 71-бет.
3. Беҳбудий М. Эски мусулмон мадрасаларинда нималар ўқитилар эди? // «Ойина», 1914.
4. Вамбери Ҳ. Маърифат йўлидаги уйғониш. // «Тафаккур», 2000, 2-сон, 60-61-бетлар.
5. Вамбери Ҳ. Маърифат йўлидаги уйғониш. // «Тафаккур», 2000, 2-сон, 62-бет.
6. Алимова Д. Ҳақиқатнинг туташ манзили. Н «Тафаккур», 2000, 2-сон, 56-бет.
7. Турсунов У, Ўринбоев Б. Ўзбек адабий тили тарихи. - Т., «Ўқитувчи», 1982, 115-бет.
8. Турдиев Ш. Жадидизм масаласига бағишлилган мунозара. // «Ўзбек тили ва адабиёти», 1988, 2-сон, 74- бет.
9. Ризо Ш. Маърифатпарварликдан маърифатчиликкача. // «Тафаккур», 1995, 1-сон, 75-бет.

10. Эймонтова Р.Г. О дискуссии по просветительству. // «История СССР». 1988, № 6.
11. Маумудова Г. Ислоҳот ва Беҳбудий. // «Маърифат», 1997, 22 ноябр.
12. Азиззода Л. Беҳбудий (ўлдирилганига 7 йил тўлиши муносабати билан). // «Маориф ва ўқитувчи», 1926, 2-сон;
13. «Шарқ юлдузи», 1990, 7-сон, 156-бет.
14. Аминов А. Маърифатимизарбони. // Самарқандвнлоят «Зиёкор» илмий-услубий журнали, 2000, 3-сон, 13-бет.
15. Сайдов X. Маърифат либосидаги озодлик. -Т., «Маърифат - Мададкор», 2000, 14-бет.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 2 (4) – 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари” электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.**

**Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
маъсулияти чекланган жамияти**

Таҳририят манзили:
100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com
Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).